Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 15 май • № 19 (1040)

*Конгресс*

## ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГИЯСИ: ЮТУҚЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР



**Жорий йилнинг 14 май куни Ўзбекистон онкологларининг III конгресси ўз ишини бошлади. Конгресс ишида Швейцария, Германия, Австрия, Голландия, АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Австралия, Ҳиндистон каби қатор хорижий давлатлар ва юртимизда онкология соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар иштирок этишмоқда.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, хавфли ўсма билан касалланиш кўрсаткичлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Европада ҳар йили саратон касаллиги 3,5 миллион нафарга яқин инсонда аниқланиб, 1 миллион нафардан ортиқ киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариши ривожланган ва экологик муҳити носоғлом бўлган давлатларда юқорилигини кузатиш мумкин.

– Мамлакатимизда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари барқарор сақланмоқда. Чунки, юқори самарали ташхислаш ва даволаш усулларининг татбиқ этилиши, бирламчи профилактика ва скрининг текширувларининг қўлланилиши натижасида касалликнинг эрта босқичларида аниқланаётган беморлар сони ортиб бормоқда. Бунинг натижасида ихтисослаштирилган ёрдамнинг самарадорлиги ортиб, охирги беш йилликда яшаш кўрсаткичларининг аввалги 30-35 фоиздан 45-55 фоизга ошгани кузатилмоқда, – **дейди Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов.** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги “Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари

**(Давоми 2-бетда).**

*Конференция*

## ҲАМКОРЛИКДАГИ МАҚСАДЛИ КЕЛИШУВ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш ва профилактика чоралари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори А. Мансуров кириш сўзи билан очиб, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича мамлакатимизда эришилаётган ижобий натижалар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, конференция ишида таклиф этилган халқаро ташкилот вакиллари ҳам сўзга чиқиб, глобал муаммо бўлган гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида ҳамкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

*– 1994 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур давлат комиссияси идоралараро орган ҳисобланиб, унинг асосий мақсади наркотик моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашни мувофиқлаштириш, ҳам миллий, ҳам минтақалар даражасида наркотик моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, наркотик моддалар устидан назорат қилиш юзасидан халқаро мажбуриятларни бажаришдан иборатдир. Соҳага оид кўпгина халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Хусусан, БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенцияси, “Психотроп моддалар тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги, “Психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенциялари, шунингдек, бошқа халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ўзбекистон ушбу халқаро ҳужжатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади,* – **дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази халқаро бўлим бошлиғи А. Эркабоев.**




1999 йилнинг август ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, давлат томонидан назорат қилинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар контрабандаси, уларга ноқонуний эгалик қилиш, тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар, шундай воситаларни ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш қоидаларини бузиш, етиштирилиши тақиқланган экинларни парвариш қилиш ва бошқа хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилди.

1996 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ташкил этилиб, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши бўйича ахборот-таҳлил тизими

**(Давоми 4-бетда).**

*Конгресс*

# ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГИЯСИ: ЮТУҚЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда онкологик хизмат янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор ижроси натижасида онкологик хизмат тизимида ижобий ўзгаришлар юз бериб, барча онкология муассасалари қайта қурилди ва реконструкция қилинди. Шу жумладан, Навоий, Сирдарё ва Жиззах онкология диспансерлари қайтадан бунёд этилиб, замонавий меъёрларга жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Фарғона, Навоий ва Жиззах вилоятлари онкология диспансерларида радиацион иншоотлар меъёрларига тўла жавоб берувчи иморатлар қурилиб, радиология бўлимлари ташкил этилди. 13 та вилоят онкология диспансери тўла таъмирланиб, реконструкция қилинди. Компьютер ва магнит резонанс томографлари, маммографлар, эндоскопия ускуналари каби юқори технологик ускуналарни ва нур терапия қурилмаларини босқичма-босқич сотиб олиш ишлари режалаштирилган. Бундан ташқари, онкология муассасаларининг замонавий радиотерапевтик ва ташхислаш ускуналари билан янада кўпроқ жиҳозланиши натижасида юртимиз аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ошиб бормоқда. Давлат бюджети томонидан онкология хизматини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар миқдори икки баробар оширилди. Бундан ташқари, дунёнинг нуфузли молиявий институтлари ва Ислом тараққиёт банки каби халқаро банкларнинг инвестициялари жалб қилинмоқда. Барча онкологик муассасаларда бошқарувнинг вертикал тизими яратилган бўлиб, унинг бош муассасаси марказимиз ҳисобланади. Онкология хизматининг барча бўлинмалари (вилоят ва шаҳар онкология диспансерлари) фаолиятини такомиллаштириш дастурининг бажарилиши доирасида ягона Миллий стандартлар асосида кенг кўламли скрининг, ташхислаш ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, кўкрак бези ва бачадон бўйни саратони скрининги ишлари ўтказилмоқда. Марказимизнинг етакчи мутахассислари соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туман бўлимларига чиқишлар қилиб, ўсма олди ва эрта босқичдаги ўсма турларини аниқлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Соғлиқни сақлашнинг вилоят бўлимлари ва тиббиёт коллежи раҳбарларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан канцерогенез, скринингнинг замонавий усуллари, ўсма касалликларини ташхислаш ва даволаш каби онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар ва маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, беморларни ҳисобга олишда туман даражасидан республика даражасигача бўлган ягона электрон базанинг яратилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши – онкологик хизматдаги муҳим ютуқлардан бири бўлди. Ягона электрон тизим асосида ушбу Миллий канцер-регистр базасининг яратилиши натижасида хавфли ўсма касалликлари билан хасталанган барча беморларни ҳисобга олиш, уларни текшириш, даволаш ва кузатиш ишлари устидан доимий назорат олиб бориш имкони яратилди.



**Мирза Али ГАФУР-ОХУНОВ, Тошкент шаҳар Онкология диспансери бош врачи, профессор:**

– Кейинги йилларда республика тиббиёт тизимида ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилаётгани боис, барча соҳалар каби онкология йўналишида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлиб, бу борада ютуқли натижаларга эришилмоқда. Республика онкология илмий маркази ва унинг шаҳар ва вилоят диспансерлари замонавий аппаратуралар ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланганлиги бугунги кунда онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, кадрлар масаласига ҳам катта эътибор қаратилиб, ривожланган давлатларнинг етакчи клиникалари билан ўзаро тажриба алмашиб келинаётганлиги, бу албатта, соҳа янада ривожланишига замин яратмоқда. Бундан ташқари, бирламчи тизимда касалликларни эрта аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда умумий амалиёт шифокорлари жалб қилинаётганлиги ва шу билан бирга аҳоли орасида тарғибот ишлари кучайтирилганлиги боис, бирламчи касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш 5 фоиздан 10 фоизга кўтарилганлиги амалдаги фаолиятларнинг ифодаси бўлиб, касалликни ўтказиб юборганлар сони кескин камайиб бормоқда. Шу ўринда айтишим жоизки, онкологик касалликларни барвақт аниқлаб, даво муолажалари тўғри олиб борилсагина соғайиб кетиш имконияти бор албатта. Бу билан биз онкологик касалликка учраган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришамиз. Албатта, ютуқларнинг барчаси Республика онкология маркази, шаҳар ва вилоят диспансерларида замонавий технологияларнинг мавжудлигидандир. Жумладан, ультратовуш диагностикаси, эндоскопия, радиотерапевтик асбоблар, маммография, цитологик текширувларнинг татбиқ қилинаётганлиги соҳадаги муваффақиятларни таъминламоқда. Бунинг баробарида профилактик кўриклар, маҳорат дарсларининг мунтазамлиги мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш натижасида нафақат марказ, балки ҳудудлар кесимида ҳам мураккаб операция жараёнлари жойида амалга оширилмоқда. Айниқса, сут бези, бачадон бўйни, тери ва бир қанча саратон касалликларини ўз вақтида аниқлаш, профилактика қилиш кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ижобий кўрсаткичларига тенглашиб бормоқда. 2015 йил 14-16 май кунлари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон онкологларининг III конгрессида ҳам «Ўзбекистоннинг онкологияси: ютуқлар ва устувор йўналишлар» бўйича кенг доирадаги симпозиум, секцияларда маърузалар мультидисциплинар тарзда олиб борилади. Шунингдек, онкологиянинг турли йўналиши бўйича жарроҳлик усуллари, нур терапияси, кимёвий терапия, молекуляр-генетик изланишлар бўйича маърузалар қилинади. Бундан ташқари, ўндан ортиқ хорижий давлатлардан соҳанинг етакчи мутахассислари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этмоқдалар. Бундай кенг доирадаги конгресс мамлакатимизда онкология тизими ривожи учун яна бир илдам қадам бўлиши шубҳасиздир.

**Наргиза ЮЛДАШЕВА, Республика онкология илмий марказининг онкогинекология бўлими илмий раҳбари, профессор:**

– Бугун республикамиз онкологлари учун ниҳоят муҳим аҳамиятга эга сана. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика онкология илмий маркази томонидан онкологларнинг III конгресси ҳамда унинг доирасида “Онкология – 2015” кўргазмаси ўз фаолиятини бошлади. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад юртимизда ҳамда бутун дунёда онкология соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, янгиликлар, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари билан яқиндан танишишдан иборат.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра бугунги кунда онкологик касалликлар билан оғриш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Шуниси ачинарлики, йилдан-йилга аёллар орасида сут бези саратони ҳамда бачадон бўйни саратон касалликлари ҳам кўпайиб, ушбу касалликлар ёшариб бораётганлиги ташвишланарлидир.

Айниқса, сўнгги ўттиз йил ичида бачадон бўйни саратон касалликлари 40-45 ёшдаги аёлларда кўплаб учраб турибди.

Ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, онкология соҳасини ривожлантириш учун жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятларимиздаги барча онкология диспансерлари капитал реконструкциядан чиқарилди ҳамда улар энг замонавий тиббий ускуналар – УТТ аппаратлари, фиброскоп, колоноскоп ва жарроҳлик амалиёти жараёнида қўлланиладиган тўлиқ комплектлар билан таъминланди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз миқёсида онкологик касалликлар билан оғриган беморлар доимий назоратга олиниши учун марказимизда канцер-регистр ягона электрон базаси яратилди. Унинг ёрдамида беморда касаллик аниқланиши билан барча таҳлиллар ҳамда даволаш услуби базага киритилади. Бемор доимий назоратда бўлади. Мана, бир неча йилдирки, марказимиз мутахассислари томонидан аъзо сақловчи жарроҳлик амалиётлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда.

Марказимиз томонидан ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш, билим доирасини кенгайтириш учун самарали ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур конгресс доирасида 6 май куни ёш олимлар конференцияси бўлиб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, Республика онкологларининг III Конгресси ҳаммамиз учун катта воқеа. Унда кўтарилаётган масалаларни ўрганиш, ечимини топиш, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари билан ўзаро тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Доно РАҲМАТУЛЛАЕВА, Республика онкология илмий марказининг онкоофтальмология бўлими мудири:**

– Сир эмаски, бугунги кунда бутун дунё бўйича онкологик касалликлар кўрсаткичи ошмоқда. Тиббиётнинг жадал ривожланиши, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларининг ишлаб чиқилиши эса биздан ўз устимизда тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади. Бугунги Республика онкологлари III конгрессининг очилиши ҳам янги фикр ҳамда тажриба алмашинуви, билим-кўникмаларнинг кенгайиши ва илмий-амалий ривожланишига имконият яратиши шубҳасиз.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, марказимизда кўз ўсма касалликларини текшириш ва даволашга ихтисослашган бўлим мавжуд бўлиб, у Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бўлимимиз мутахассислари кўз олмаси ҳамда кўз косаси касалликларига эрта ташхис қўйиш ва уни комплекс даволашда самарали ютуқларга эришиб келмоқдалар. Бу фаолиятларни амалга оширишда ҳар томонлама билимга чанқоқ, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган ходимларимизнинг фаолият олиб бориши албатта қувонарли ҳолдир. Бўлиб ўтаётган мазкур конгрессда онкология соҳасидаги долзарб мавзулар бўйича маърузалар ҳамда маҳорат мактабларининг иш олиб бориши, келгусидаги фаолиятларимиз янада ривож топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Кенг аудиторияда ўтказилаётган Ўзбекистон онкологларининг III конгресси доирасида кун тартибига қўйилган долзарб масалаларга эътибор қаратилиб, мутахассислар дунё миқёсида мазкур касаллик бўйича олиб борилаётган янгилик ва изланишлардан бохабар бўладилар.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.**

Съезд

# ВТОРАЯ ЖИЗНЬ ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИИ

***Воспринимать мир во всем его многообразии звуков, богатстве тонких ароматов может, увы, не каждый человек. Вернуть радость от общения с окружающим миром пациенту с серьезными заболеваниями уха, горла и носа способны мастера своего дела. Современная медицинская наука открывает все новые и новые горизонты в диагностике и лечении заболеваний ЛОР-органов. Последним достижениям в этой сфере, а также обсуждению наиболее актуальных вопросов, касающихся оториноларингологии, был посвящен IV Республиканский съезд оториноларингологов Узбекистана, в котором приняли участие 250 делегатов со всех уголков нашей республики, а также ведущие ученые из таких стран, как Франция, Германия, Россия, Казахстан и других.***




Съезд, организованный по инициативе Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, Ассоциации врачей Узбекистана, Отделения оториноларингологов Ассоциации врачей Узбекистана и Ташкентской медицинской академии, проводится в республике раз в пять лет. Он призван, прежде всего, не только ознакомить специалистов в этой области с последними медицинскими разработками и открытиями, но и повысить уровень их профессиональной квалификации, без чего невозможно достичь успеха в нелегкой и ответственной работе врача. Как было отмечено на съезде, оториноларингология занимает важное место в системе здравоохранения. Особенно, это касается амбулаторной и экстренной помощи. **Сегодня оториноларингология – гармонично развивающаяся специальность, включающая в себя использование современных инновационных технологий в диагностике, лечении и реабилитации больных с ЛОР-заболеваниями.**

*– В настоящее время, –* **рассказала нам председатель отделения оториноларингологов Ассоциации врачей Узбекистана Х. Шайхова,** *– оториноларингология включает в себя высокотехнологическую эндоскопическую малоинвазивную хирургию, программы универсального скрининга слуха у детей, кохлеарную имплантацию, реконструктивно-пластические операции на ЛОР-органах и многое другое. Хочу отметить, что для Узбекистана кохлеарная имплантация – операция новая. Но, уже сейчас есть положительный эффект от ее проведения.*

*Насыщенная программа съезда позволила охватить за несколько дней широкий круг вопросов. Среди них – современные достижения в диагностике, консервативном и хирургическом лечении заболеваний верхних дыхательных путей и уха, инновационные технологии в диагностике и реабилитации больных с заболеваниями уха и органа равновесия, фармакологические и физические методы лечения в оториноларингологии, стандартизация в оториноларингологии и многие другие.*



*Примечательно, что в рамках съезда, разбито по тематике на секционные заседания, состоялись также мастер-классы, где своим опытом с нашими врачами-оториноларингологами поделились коллеги из-за рубежа.*

*О том, что принципиально нового удалось вынести из докладов и мастер-классов в рамках съезда, и какие вопросы вызвали наибольший резонанс, мы попросили рассказать участников IV Республиканского съезда оториноларингологов Узбекистана.*

**Шахоодат КАБИЛОВА, ассистент кафедры усовершенствования врачей Самаркандского медицинского института:**

– Наша кафедра занимается повышением квалификации ЛОР-врачей не только Самарканда и Самаркандской области, но также Кашкадарьинской, Навоийской и Бухарской областей. Это дает свои положительные результаты. Специалисты, приезжающие к нам в институт, в дальнейшем применяют полученные теоретические, а главное, практические навыки на практике. И это, в свою очередь, позволяет значительно улучшить качество жизни пациентов. Съезд – это настоящий форум, открытая площадка по обмену опытом между специалистами нашей сферы. В этом году мы решили поделиться с коллегами проводимой в нашем институте научной работой. Новые исследования посвящены внедрению новых методов лечения больных с юношеской ангиофибромой носоглотки. Модифицированный малоинвазивный хирургический метод лечения позволяет производить удаление опухоли с минимальным косметическим деффектом. Кроме того, при использовании данного метода сокращается восстановительный послеоперационный период и пациент меньше времени находится в стационаре.

Хотелось бы отметить, что большая научная работа на нашей кафедре ведется в сфере ЛОР-онкологии. Целый ряд исследований посвящен новым методам диагностирования злокачественных опухолей на ранних стадиях, совершенствованию методов лечения онкологических больных. Много нового по данной тематике удалось почерпнуть на прошедшем съезде.

**Эгамберды НИШАНОВ, заведующий ЛОР-отделением Ферганского многопрофильного детского медицинского центра:**

– Я бы отметил хорошую организацию работы съезда, участие ученых из стран ближнего и дальнего зарубежья. Это уже четвертый съезд, проводимый в нашей республике, и с каждым разом участников и гостей становится все больше, что говорит о востребованности оториноларингологии в современном медицинском мире. Особенно ценный опыт участники съезда должны вынести из мастер-классов, где при участии зарубежных коллег были произведены слухоулучшающие операции у детей и продемонстрирован эндоскопический метод операции у взрослых при помощи современных микроскопов. В дальнейшем планируем внедрение новых эндоскопических методов у детей и подростков до 18-ти лет не только в нашем центре, но и в других медицинских учреждениях, специализирующихся на заболеваниях ЛОР-органов по всей Ферганской долине.

Дальнейшее сотрудничество, проведение совместных научно-исследовательских и грантовых работ, обмен опытом и инновационными технологиями, а также подготовка и переподготовка кадров должны повысить качество оказания специализированной медицинской оториноларингологической службы в республике.

**Отеген ГАЗИЗОВ, заведующий кафедрой ЛОР-заболеваний Карагандинского государственного медицинского университета, доктор медицинских наук, профессор:**

– На съезде я выступил с докладом на тему "Риноцитологические изменения слизистой оболочки верхних дыхательных путей у горнорабочих". Этой теме посвящена моя докторская диссертация. В ходе исследований были получены следующие выводы: изменения, выявленные при изучении отпечатков слизистой оболочки полости носа, указывают на то, что угольно-породная пыль оказывает действие на слизистую оболочку верхних дыхательных путей, вызывая воспалительно-дистрофические изменения. Риноцитология является ранним диагностическим исследованием, так как цитологические исследования предшествуют объективным. И, она позволит проводить профилактические мероприятия для предотвращения патологии верхних дыхательных путей.



Кроме того, со мной вместе приехал мой коллега, первоклассный хирург Нурлан Кулмагамбетов, производящий слухоулучшающие операции. Мы поделились накопленным нами опытом в этой сфере, а также получили много полезной информации в области передовых методов диагностики и лечения различных ЛОР-заболеваний. Это очень ценный багаж знаний для практикующего врача, который должен постоянно открывать для себя что-то новое в медицине.

**Шахимардан ХАДЖАНОВ, доцент кафедры ЛОР-заболеваний Ташкентской медицинской академии:**

– Сегодняшний IV Республиканский съезд оториноларингологов Узбекистана посвящен современным достижениям и направлениям в оториноларингологии. Съезд затрагивает такие актуальные вопросы как профилактика заболеваний органов слуха, современные методы лечения и диагностики данных заболеваний с использованием малоинвазивных операционных вмешательств.

Следует особо отметить, что данное событие является для нас очень актуальным, потому что благодаря ему, мы получаем много новой информации, делимся опытом между собой. И именно это является стимулом для более плодотворной работы.

На сегодняшний день в Республике Узбекистан уделяется особое внимание развитию системы здравоохранения. Это и деятельность медицинских учреждений, оснащенных самым высокотехнологичным оборудованием, и работа квалифицированных специалистов обладающих обширными знаниями в своей сфере. Как и во всех отраслях медицины, так и в оториноларингологии произошли большие изменения. Благодаря вниманию руководства страны наши медицинские учреждения были оснащены современными ЛОР-комбайнами, микроскопами и эндоскопическими аппаратами. И это не только в столице, но и в самых отдаленных районах нашей республики пациенты могут получить квалифицированную медицинскую помощь. И все это нацелено на одно – воспитание гармонично развитого и здорового поколения.

Дети – это наше будущее. И чтобы оно было солнечным, уже сегодня мы должны сделать все для охраны здоровья молодого поколения. При научно-исследовательском институте педиатрии с 1 декабря 2013 года начал функционировать центр реабилитации слуха и речи. И уже на сегодняшний день в нашей стране была проведена 151 операция по кохлеарной имплантации, хотя раньше такие операции у нас не проводились. Это является очень большим достижением наших специалистов. И благодаря этому дети с врожденными и приобретенными заболеваниями органов слуха могут восстановить его.

К тому же, как и в государственных учреждениях, так и в частных клиниках проводится оснащение медицинской аппаратурой, отвечающей всем мировым стандартам. Наши специалисты постоянно

**(Окончание на 4-стр.)**

Съезд

# ВТОРАЯ ЖИЗНЬ ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИИ

(Окончание. Начало на 3-й стр.)

повышают квалификацию, делятся опытом со своими зарубежными коллегами, проводятся многочисленные мастер-классы, где несомненно идет получение обширных знаний, которые в дальнейшем внедряются в медицинскую практику. И в очередной раз, в рамках 4-го Республиканского съезда оториноларингологов прошли мастер-классы для специалистов. С особой гордостью хочу отметить, что на сегодняшнем съезде наши молодые специалисты представляли свои доклады не только на узбекском и русском, но и на английском языке. Наша страна богата умными, одаренными и преданными своему делу молодыми талантами.

Подводя итог вышесказанным словам, хочу пожелать всем участникам 4-го Республиканского съезда оториноларингологов успеха и здоровья. Пусть они используют все те знания приобретенные сегодня для благородного дела – охраны здоровья страны.

**Дилафруз ХАЙРУЛЛАЕВА, врач-оториноларинголог 45-семейной поликлиники Шайхантахурского района:**

– Проведение 4-го Республиканского съезда оториноларингологов Узбекистана это большое событие для нас, представителей данной сферы медицины. Будучи участником съезда, я пополнила копилку своих знаний новой информацией, которая поможет мне в дальнейшей работе. В ходе работы съезда были зачитаны очень интересные доклады, касательно современных методов диагностики и лечения заболеваний ЛОР-органов. Из них мы узнали о новинках из мира медицины, имели возможность общения с нашими иностранными коллегами. На съезде обсуждались актуальные вопросы по лечению заболеваний лор-органов, в том числе вопросы по комплексной диагностике, аудиометрии и сурдологии.

Благодаря вниманию руководства нашей страны, развитию как системы здравоохранения страны в целом, так и ее отраслям уделяется особое внимание. Мы, в своей медицинской практике используем самое современное оборудование. В медицинских учреждениях страны нашими коллегами проводятся сложные оперативные вмешательства. Налажена работа по проведению эндоскопической диагностики и совершенствованию методов лечения. Это говорит о том, что главная цель – это здоровье населения. А для ее осуществления параллельно проводится и работа по подготовке квалифицированных медицинских специалистов.

**Сирожиддин ЖАЛИЛОВ, магистрант 2-го курса Ташкентской медицинской академии:**

– Главной целью данного мероприятия является широкий обмен опытом, решение актуальных задач по оториноларингологии, обсуждение новых современных методов профилактики, диагностики и лечения. На съезде принимают участие, как специалисты нашей страны, так и участники из России, Италии, Германии, Франции, Азербайджана и Казахстана. В ходе съезда, участниками были представлены интересные доклады, из которых мы узнали много нового и полезного для себя.

Как известно, оториноларингология является одной из широких отраслей медицины, в которой изо дня в день происходят видимые изменения. Производятся и вводятся в использование все новое медицинское оборудование, расширяется спектр медицинских препаратов. Хочу заметить, что оториноларингология нашей страны развивается быстрыми темпами. Ведь в наших клиниках на сегодняшний день диагностируются и качественно лечатся различные ЛОР-заболевания. Специалистами как столичных, так и региональных медицинских учреждений страны проводятся сложные оперативные вмешательства, как на взрослых, так и на детях с врожденными и приобретенными патологиями органов слуха, с использованием лучших технологий. А это требует от нас постоянного совершенствования своих знаний, работы над собой и изучение новой литературы, быть в гуще событий происходящих во всем мире.

Я очень рад участию на сегодняшнем съезде, хочу выразить благодарность организаторам данного мероприятия и пожелать им профессиональных успехов.

**Оксана КАДЫШЕВА,**
**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото Жасура ЖАЛИЛОВА.**

Конференция

# ҲАМКОРЛИКДАГИ МАҚСАДЛИ КЕЛИШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

(маълумотлар базаси) ишлаб турибди. Ушбу тизим прогноз қилиш ва янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ташкил этилган Психоактив моддаларни суиистеъмол қилиш соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш маркази тегишли маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда.

– *Ушбу давлат комиссияси томонидан доимий асосда Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинмоқда. Мазкур дастурлар ижросини таъминлаш доирасида соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда, наркология хизматлари тизими модернизация қилиниб, ривожлантирилмоқда, гиёҳвандлик тарқалишига қарши мақсадли профилактика ишлари олиб борилмоқда. 2011-2015 йилларга мўлжалланган тегишли дастур доирасида ҳам кенг кўламли профилактика ва наркотикларга қарши ишлар амалга оширилмоқда,* – **дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бош эксперти Андрей Мокий.**





Кун тартибидан ўрин олган муҳим масалалар доирасида халқаро ташкилот вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари ўқув муассасалари, аҳоли, ёшлар ва кенг жамоатчилик ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, ушбу жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари ва амалга оширган чора-тадбирлари натижасида наркожиноят ва гиёҳвандлик тарқалиши камаяётганлиги таъкидланди.



– *Бугунги конференция долзарб ва муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсон саломатлигини асраш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли зарарли иллатлардан аҳолини, айниқса, ёшларни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш барчамизнинг олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур масалани ҳар томонлама ижобий ҳал қилиш миллий ва халқаро даражадаги ҳамкорлик муносабатларига боғлиқдир,* – **дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори З. Муталова.** – *Ушбу жараёндаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан Республика ва шаҳар наркология марказлари, вилоятлардаги наркология диспансерларида беморларни даволаш ва уларни соғлом ҳаётга қайтариш йўлида кўпгина ислоҳотлар амалга оширилиб, замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бош эксперти Андрей Мокий ўз маърузасида юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларга урғу бериб, мамлакатимизда наркотик моддаларни ишлаб чиқаришнинг хом ашё базаси деярли йўқ қилинганлигини, наркотиклар билан боғлиқ жиноятларни содир этиш даражаси ва гиёҳвандликка чалиниш кўрсаткичлари йилдан-йилга камайиб бораётганлигини мисоллар орқали таҳлил қилиб берди. Ўз навбатида Республика саломатлик ва тиббий статистика институтимиз ҳамда унинг вилоят филиалларидаги мутахассисларимиз томонидан аҳоли орасида зарарли одатларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, юртимизда гиёҳвандликка қарши кураш бўйича ўтказилаётган ойликлар намунали ташкил этилмоқда. Ушбу мавзу телевидение, радио ва матбуот орқали кенг ёритиб борилади.*

**Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази билан Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ўртасида келишув битими имзоланди.**

– *Ўйлайманки, икки томонлама тузилган ушбу келишув битими ҳамкорликдаги ишларимизни янада ривожлантириб, глобал муаммо бўлган гиёҳвандликни биргаликда бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади,* – **дейди Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси бошлиғи Томас Кунце.**

**Бундай ўзаро халқаро ҳамкорликнинг эзгу мақсадлари инсон саломатлигига қаратилган бўлиб, келажакда ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиздир.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

18 мая – Международный день музеев

# КОГДА СТРАНИЦЫ МЕДИЦИНЫ ОЖИВАЮТ

***Впервые совершить интересное путешествие в мир врачебной науки мне довелось еще в студенчестве. И вот, теперь, годы спустя, накануне международного праздника, уже в качестве корреспондента, вновь в стенах Музея здравоохранения Узбекистана имени К.С.Заирова. Сухие факты и цифры здесь уступают место увлекательному рассказу экскурсовода, словно по волшебству переносишься из привычной реальности в мир выразительных и ярких фигур-макетов, стендов, глядя на фотографии, хирургические инструменты и предметы быта давно минувших эпох, ощущаешь дыхание истории. Совсем скоро начавшаяся в прошлом году реконструкция музея должна подойти к своему логическому завершению. О том, каким был музей здравоохранения 40 лет назад (в момент своего образования) и кто стоял у его истоков, а также, какие новшества удалось внедрить и что ждет посетителей в скором времени удается узнать из беседы с директором Музея здравоохранения, кандидатом медицинских наук Владиславом Болкуновым.***





На снимке модель «Стеклянный человек».

Международный день музеев появился в календаре в 1977 году, когда на очередном заседании Международного совета музеев было принято решение об учреждении этого культурного праздника. Сегодня праздник отмечается более чем в 150-ти странах мира, в том числе и в Узбекистане. Примечательно, что каждый год это день имеет свою определенную тему, посвященную вопросам музейной деятельности. В этом году темой праздника станет – “Музеи и устойчивое развитие общества”.

*– 18 мая – это, прежде всего, день открытых дверей, замечательная возможность для всех музеев привлечь к себе внимание не только широкой общественности, но и, прежде всего, посетителей,* – говорит Владислав Болкунов.

Сегодня, по словам Владислава Федоровича, Музей здравоохранения принимает свыше 25-ти тысяч человек в год, занимая лидирующие позиции по посещаемости среди других музеев республики, что является важнейшим показателем в деятельности подобного учреждения.

Созданный в мае 1973 года, музей по сей день выполняет важную роль в формировании медицинской культуры населения. В основу идеи создания музея, организованного по инициативе профессора Каюма Заирова, занимавшего в то время пост Министра здравоохранения республики и внесшего большой вклад в развитие медицины страны, легли популяризация исторического наследия прошлого в области медицины и здравоохранения, также пропаганда медицинских знаний, главным образом, среди молодежи по формированию здорового образа жизни. Ведь основными пользователями музея являются учреждения здравоохранения и министерства образования – это школы, лицеи, колледжи, вузы, а также коллективы других министерств и ведомств.

*– В скором времени хотим также развивать отношения с туристическими группами, привлекать в ряды наших посетителей граждан зарубежных стран,* – делится Владислав Болкунов.







И иностранцам будет что показать, убежден Владислав Федорович. Сегодня в музее насчитывается более 12-ти тысяч экспонатов (фотографии, редкие книги, рукописи – есть даже XIX столетия, инструменты времен Авиценны, воссозданные нашими узбекскими мастерами, **электрифицированная модель “Стеклянный человек”, где через стеклянный футляр экспоната поочередно освещаются внутренние органы, образующие ряд систем – нервную, сердечно-сосудистую, дыхания, пищеварения и другие). Эта модель, изготовленная в Германии (городе Дрездене), существует по всему миру в четырех экземплярах, один из которых находится в Музее здравоохранения Узбекистана.**

В музее имеется 10 экспозиционных залов, экспонаты которых разбиты тематически и охватывают широкий круг медицинских разделов – гигиена, различные инфекционные заболевания, многие из них представляют собой ретроспективу, позволяющую посетителям мысленно воссоздать историю врачебной науки в Средней Азии от древних времен до нашего времени.

*– Страницы истории, бережно хранящиеся в музее,* – рассказывает Владислав Федорович, – *свидетельствуют о врачах и ученых средневековья, живших на территории Узбекистана и создавших десятки медицинских трактатов. Это, прежде всего, великий Абу Али Ибн Сино (Авиценна), материалы о котором занимают центральное место в коллекции музея. Материалы об Авиценне удачно дополняются галереей портретов ученых, входивших в состав так называемой Академии Мамуна, деятельность которой относится к X-XI векам. Возглавлял эту академию великий ученый-энциклопедист Абу Райхон Беруний. В этой коллекции музея представлена также Самаркандская школа, которую возглавлял Улугбек. В зале хранится утварь, найденная при археологических раскопках (светильники, поильники, посуда для растирания лечебных трав и многое другое). Достаточно полно, по словам Владислава Болкунова, представлены в музее материалы по истории медицины конца XIX – начала XX века. Здесь можно почерпнуть информацию об ученых с мировым именем, таких как П.Ф.Боровский, известный хирург В.Ф.Войно-Яссенецкий, написавший знаменитую книгу “Очерки гнойной хирургии”, ставшей настольной книгой для хирургов в годы Второй мировой войны. А также о таких выдающихся ученых-врачах Узбекистана, как А.А.Абидов, В.В. Вахидов, И.К.Мусабаев, Л.М.Убайдуллаев и другие.*

Практически вся экспозиционная база музея была укомплектована в первые пять лет его основания. И этот объем, по словам директора музея В.Болкунова, позволяет до сих пор хорошо функционировать музею. Однако, время, как известно вносит свои коррективы. Требует изменений как внешний, так и внутренний облик Музея здравоохранения.

Сегодня ведется активная работа по техническому оснащению и художественному оформлению музея.

*– Большим достижением считаю то, что нам удалось восстановить старые киноленты, хранящиеся в музее,* – рассказывает Владислав Болкунов. – *Правда, часть из них все же за давностью времени оказалась уже не пригодной для реставрации. Но, те, 20 лент, которые сегодня показываем посетителям в кинозале, можно назвать настоящим кладом. Кино во все времена было одной из самых активных и производящих большое впечатление видов искусства. И, сегодня, оно нашло свое применение в музейном деле. Наш музей один из немногих, которые имеют в своем распоряжении кинозал и уникальный киноматериал. Здесь есть короткометражки начала прошлого века, посвященные жизни и быту людей той эпохи, борьбе со страшным недугом – червем риштой, который сегодня благодаря развитию медицинской науки удалось ликвидировать. В нашем кинофонде также имеются и современные фильмы, посвященные актуальным темам – борьбе с наркоманией, алкоголизмом, табакокурением. Эффект настолько силен, что многие из посетителей уже бросили курить. Приятно осознавать, что в этом есть и наша заслуга.*

Впереди у руководства музея большие планы, требующие своего скорейшего решения. В декабре 2012-года протокольным решением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 07.12.2012 года за номером 07-07/1-925 было поручено в короткие сроки организовать работы по восстановлению художественного облика музея, определить основные перспективы и приоритеты деятельности на период 2014-2016 годов. В соответствии с этим руководством музея подготовлены и внесены на рассмотрение пояснительная записка и проект бюджета на 2014-2016 годы, которыми предусматривается целый ряд направлений деятельности музея на среднесрочную перспективу. Среди них, к примеру, поэтапное создание современной музейной инфраструктуры (фондового хранения, в том числе, по принципу “открытых фондов”, постоянных экспозиций и временных выставок, образовательных площадок для посетителей).

Особую роль в дальнейшей реконструкции музея, Владислав Болкунов отводит открытию новых экспозиционных залов – “Здравоохранение Узбекистана за годы Независимости (1991-2013 годы)”, “Достижения отечественной медицинской науки, формирование научных школ и направлений”, “Современные технологии в хирургии сердца и сосудов в Узбекистане”, “Здоровая мать – здоровый ребенок” и ряд других.

Кроме того, новые горизонты в деле привлечения новых посетителей и повышения интереса к экспонатам музея, по убеждению Владислава Болкунова должны стать наработки в области организации экскурсионной деятельности. Среди них, к примеру, интерактивные и игровые методы преподнесения материала, расширение спектра культурно-образовательных и информационных услуг и многое другое.

На реализацию всех намеченных планов, в первую очередь, необходима хорошая материальная база. Пока, это вопрос времени. Но, от его скорейшего решения будет зависеть дальнейшая судьба одного из уникальных и любимых многотысячной аудиторией музеев – Музея здравоохранения Узбекистана.

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Жасура ЖАЛИЛОВА.**

*Семинар*

# БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ТИЗИМДА ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

***Маълумки, Халқаро ҳамширалар куни дунё миқёсида кенг нишонланади. Мазкур сана мамлакатимизда ҳам ҳар йили кўтаринки тарзда ўтказилади. Нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам халқимиз саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган ҳамширалар хизмати қадрланиб, қизиқарли байрам тадбирлари бўлиб ўтади.***

Юртимизда нишонланаётган ушбу сананинг ҳар йили ўзига хос шиор билан ўтказилиши замирида республика тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 350 мингдан ортиқ ҳамшираларнинг машаққатли меҳнатлари ётади. Жорий йилда ушбу байрам «Ҳамширалар – сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнидаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи» шиори остида бўлиб ўтди. Байрам тадбири доирасида долзарб мавзудаги семинарларнинг ўтказилиши ҳам соҳа мутахассисларининг касбий маҳорати, билим ва тажрибаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатади.

2015 йилнинг 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Бирламчи тиббий санитария тизимида патронаж ҳамшираларнинг вазифалари» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Солижон Мўминов, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулҳоди Иминов, Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари врачлари ва бош ҳамширалари, қишлоқ врачлик пунктларининг катта ҳамширалари ва патронаж ҳамширалари иштирок этдилар. Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салиходжаева кириш сўзи билан очиб, мамлактимизда ҳамширалик иши борасида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратди.

Сўнгра, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулҳоди Иминов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ҳамширалик ишини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларда ўрта тиббиёт ходимлари фаол иштирок этаётганини, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларда уларнинг ҳиссалари борлигини эътироф этди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий мавзулардан «Бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш тизимида патронаж ҳамшираларнинг вазифалари» ва «Оила ҳамшираси томонидан юритиладиган тиббий ҳужжатлар» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Р. Салиходжаева маъруза қилди. У ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 50-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек оила ҳамшираси томонидан юритиладиган тиббий ҳужжатлар, қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларининг юклама меъёрлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Семинар давомида Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Қўрғонча» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Зулхумор Омонова «Ҳамширалар фаолиятини рейтинг баҳолаш тизимида катта ҳамширанинг роли», Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Дилкушод» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Муқаддас Каримхўжаева «Бирламчи тиббий санитария муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматида оила ҳамширасининг вазифалари», Тўрақўрғон туманидаги «Файзиобод» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Муҳаббат Имомалиева «Қишлоқ врачлик пунктларида олиб борилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда патронаж ҳамширасининг ўрни», Уйчи туманидаги «Ёркатай» қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Феруза Маҳкамова «Қишлоқ врачлик пунктларида ўрта тиббиёт ходимларининг узлуксиз касбий таълим йўналиши борасидаги ишларни амалга оширишда катта ҳамширанинг вазифалари» каби мавзуларни ўз фаолиятлари билан боғлаган ҳолда слайдлар орқали таҳлилий фикрларни билдириб ўтдилар. Ҳамширалик ишини ташкил этишнинг замонавий усуллари бўйича иштирокчилар ўз таклиф ва тавсияларини ўртага ташлаб, қизғин муҳокама қилдилар.



Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Санъатхон Каримова, Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Муҳаббат Турсунова, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Раъно Аҳмедова, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Анифе Жикина, Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Одина Мақсудова, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Гулнора Тожибоева, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси Райҳона Мансурова, Наманган шаҳридаги 3-оилавий поликлиника бош ҳамшираси Донохон Низомова ва бошқалар тиббий ҳужжатларни юритиш, рейтинг тизими бўйича баҳолаш мезонларига урғу қаратдилар.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар тумандаги «Яккатут» ва «Ёркатай» қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти билан танишдилар. Жумладан, «Яккатут» ҚВП мудири, олий тоифали умумий амалиёт врачи Рустамжон Эргашев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 50-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилган фаолиятни таҳлил қилган бўлса, Уйчи тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Лобархон Машрапова ҳамшираларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган ҚВПларда ташкил этилган ўқув хоналаридаги мавжуд имконият ва шароитлар билан бирга олиб борилаётган ўқув машғулотлари тўғрисида маълумот бериб ўтди.

– Наманганда уюштирилган анжумандан жуда катта таассурот олдик, – **дейди Андижон вилояти Хўжаобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Шодлик Солиева.** – Аввало, меъёрий ҳужжатларни юритишга оид қатор муаммоли масалаларга ойдинлик киритилди. Жорий этилаётган кўплаб янгиликлардан бохабар бўлдик.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари Уйчи туманидаги «Ёркатай» ҚВПда ҳам бўлишиб, мазкур шифо масканида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши бўйича амалга оширилган ишларни кўздан кечирдилар.

Тадбир сўнгида Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан бир гуруҳ фаолларга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган сурат.**

*Кўрик-танлов*

# РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

***Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида “Ҳамшира – 2015” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Кўрик-танловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солижон Мўминов, вилоят ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш котибияти мудири Аюбхон Оппоқовлар иштирок этиб, истиқлол йилларида рўй берган катта ўзгаришлар тиббиётда ҳам кўзга ташланаётгани, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва даволаш-профилактика ишлари самарадорлигини оширишда ҳамшираларнинг ўрни алоҳида эканлигини эътироф этдилар.

Ўз билим ва иқтидори билан вилоят босқичига етиб келган ҳамширалар танловнинг 5 та шарти бўйича ўзаро беллашдилар. Бир-биридан зукко, чаққон ҳамшира қизлар назарий, маънавий-маърифий, сиёсий саволларга қониқарли тарзда жавоб берган бўлсалар, амалиётда касбий маҳоратларини намойиш эта олдилар. Бир сўз билан айтганда, танлов иштирокчиларининг заковатли чиқишлари уларнинг ҳамширалик касбига бўлган иштиёқлари ниҳоятда баланд эканлигини кўрсатиб турди.

Ҳакамлар ҳайъати учун якуний натижаларни баҳолаш осон бўлмади. Чунки, танлов ғолибларининг шартларни аъло даражада бажариши, ўз касбий салоҳиятини намойиш этишдан ташқари дилрабо қўшиқ ва жозибали рақси ҳамда саҳна кўринишидаги ижролари иштирокчилар олқишига сазовор бўлди. Ва ниҳоят, ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига асосан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Эъзозахон Абдуллаева 3-ўринга, Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Нилуфар Маликова 2-ўринга, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамшираси Дилнавоз Умарчаева эса биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

– *Астойдил интилишларим ўз самарасини берди. Ғолибликнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор,* – **дейди Дилнавоз Умарчаева.** – *Фарғонада бўладиган республика финал босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишим зарур.*

Кўрик-танлов ниҳоясида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Республика финал босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш Дилнавоз Умарчаевага насиб қилганлигидан мамнунмиз. Умид қиламизки, мазкур босқичда Дилнавоз бор билим ва маҳоратини ишга солиб, фахрли ўринларни эгаллашга сазовор бўлади.

**Абдулла ҒОЗИЕВ.**

## Ҳурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рукни остида мутахассислар билан мулоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

## ЭЪЛОН

Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультетини 1985 йилда битирган собиқ талабаларни 2015 йил 30 май соат 10.00 да Тошкент давлат стоматология институтининг ректоратида бўлиб ўтадиган учрашувга таклиф этамиз.

**Мурожаат учун телефон:**
**(+99890) 931-82-28. Ёқуб Алимуҳаммедов.**

Научные изыскания

# ФУНКЦИИ ЖЕЛЧНЫХ КИСЛОТ В ОРГАНИЗМЕ ЧЕЛОВЕКА

***Сегодня каждый человек ведущий здоровый образ жизни должен быть осведомлен о тех процессах, которые происходят у него в организме. Знание о тех или иных человеческих органах, значении и роли составляющих организм в целом, дает возможность не только задуматься об их сбережении, но и будет фундаментальной основой для ведения здорового образа жизни.***

Сегодня хотелось бы рассказать об образовании желчных кислот в организме человека, их основных функциях в процессах расщепления жиров и холестерина.

Врачи называют печень основной лабораторией организма человека. Она считается самой большой пищеварительной железой весом до 1200-1800 граммов. В верхней части брюшной полости справа под печенью располагается желчный пузырь имеющий грушевидную форму. Желчный пузырь выполняет функции накопления и концентрации желчи вырабатываемой печенью, а также ее выделение в кишечник во время поступления пищи. В нем запасается желчь. Желчный пузырь похож на эластичный мешочек, который может растягиваться и сжиматься. За сутки у человека образуется 0,6 – 1,5 л желчи, представляющая собой густо щелочную жидкость зелено-желтого цвета. В печени из холестерина образуются желчные кислоты. Эти стероидные соединения с 24-мя атомами углерода являются производными холановой кислоты. В организме человека наиболее важна **холевая кислота.** Кроме холевой кислоты в желчи содержится также **хенодезоксихолевая кислота.** Оба соединения принято называть - первичными желчными кислотами. В количественном отношении это наиболее важные конечные продукты обмена холестерина.

Вторичные желчные кислоты образуются из первичных желчных кислот в толстой кишке под действием бактерий. **Литохолевая кислота**, являющаяся вторичной желчной кислотой, всасывается значительно хуже, чем другая её составляющая – **дезоксихолевая**. Другие вторичные желчные кислоты образуются в ничтожно малых количествах. При хроническом холестазе эти кислоты обнаруживаются в повышенных количествах. **Холестаз** – это заболевание, характеризуемое уменьшением поступления желчи в двенадцатиперстную кишку по причине нарушения ее экскреции, образования или выведения. Холестаз, симптомы которого проявляются, прежде всего, в кожном зуде, темной моче и светлом кале, в зависимости от особенностей этиологии может быть внепеченочным или внутрипеченочным, в зависимости от характера течения – острым либо хроническим, с проявлением гепатита либо без него. В норме соотношение количеств желчных кислот, конъюгированных с глицином и таурином, составляет 3:1, при холестазе часто повышены концентрации желчных кислот конъюгированных с серной иглюкуроновой кислотой.

В печени образуются конъюгаты желчных кислот с аминокислотами (глицином или таурином), связанные пептидной связью. Эти конъюгаты являются более сильными кислотами и присутствуют в желчи в форме солей, называемых солями желчных кислот.

При неблагоприятном составе желчи отдельные компоненты могут кристаллизоваться. Это влечет за собой отложение желчных камней, которые чаще всего состоят из холестерина и кальциевых солей желчных кислот (холестериновые камни), но иногда эти камни включают и желчные пигменты.

Синтезированные в гепатоцитах желчные кислоты экскретируются в желчь конъюгированными с глицином или таурином и по желчевыводящим путям поступают в желчный пузырь, где и накапливаются. В стенках желчного пузыря происходит всасывание незначительного количества желчных кислот – около 1,3%. Натощак основной пул желчных кислот находится в желчном пузыре, а после стимуляции пищей желудка рефлекторно происходит сокращение желчного пузыря и желчные кислоты поступают в двенадцатиперстную кишку. Желчные кислоты ускоряют липолизис и усиливают солюбилизацию и абсорбцию жирных кислот и моноглицеридов. В кишечнике желчные кислоты под влиянием анаэробов в основной массе деконъюгируются и реабсорбируются, главным образом, в дистальном отделе тонкой кишки, где и образуются вторичные желчные кислоты путем бактериального дегидроксилирования из первичных. Из кишечника желчные кислоты с током портальной крови вновь попадают в печень, которая абсорбирует практически все желчные кислоты из портальной крови. Совсем небольшое количество попадает в периферическую кровь. Вот почему, если имеется патология печени, ее способность абсорбировать желчные кислоты из портальной крови и экскретировать их в общий желчный проток может быть снижена. Таким образом, уровень желчных кислот в периферической крови будет повышаться. Значимость определения сывороточных желчных кислот заключается в том, что они, являясь



индикаторами холестаза, могут быть у части больных показателем заболевания собственно печени – индикатором гепатодепрессии.

Желчные кислоты в организме человека выполняют различные функции, основные из них - участие во всасывании жиров из кишечника, регуляция синтеза холестерина и регуляция желчеобразования и желчевыделения. Желчные кислоты играют важную роль в переваривании и всасывании липидов. В тонкой кишке конъюгированные желчные кислоты, являясь поверхностно-активными веществами, абсорбируются в присутствии свободных жирных кислот и моноглицеридов на поверхности капелек жира, образуя при этом тончайшую пленку, препятствующую слиянию мельчайших капелек жира в более крупные.

Вторая существенная роль желчных кислот – регуляция синтеза холестерина и его деградации. Скорость синтеза холестерина в тонкой кишке зависит от концентрации желчных кислот в просвете кишки. Основная часть холестерина в организме человека образуется путем синтеза, а незначительная часть поступает с пищей. Таким образом, влияние желчных кислот на обмен холестерина заключается в поддержании его баланса в организме. Желчные кислоты сводят к минимуму нарастание или недостаток холестерина в организме.

Физиологической функцией желчных кислот является участие в регуляции экскреторной функции печени. Желчные соли действуют как физиологические слабительные, усиливая перистальтику кишечника. Этим действием холатов объясняется внезапная диарея при поступлении в кишечник больших количеств концентрированной желчи, например, при гипомоторной дискинезии желчных путей. При забрасывании желчи в желудок может развиваться гастрит.

Таким образом, желчные кислоты являются такими же необходимыми составляющими целостного организма, о которых мы не должны забывать.

**Ойимхон ХАЛИКОВА,**
**студентка медико-педагогического факультета Ташкентской медицинской академии.**

101 хизмати

# ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Тошкент шаҳри аҳолиси учун янгидан қурилаётган айрим мавзеларда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаётганлиги туфайли кўнгилсиз ҳодисалар кузатилиши ҳеч кимга хуш келмайди.***

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Безакчи кўчаси хонадонларидан бирида истиқомат қилувчи Жамшид ўз уйининг ҳароратига қаноат қилмай, печкага қўшимча равишда резина шланга орқали газ олиб киради. У кечаси уйига резина шланг орқали олиб кирган газ қурилмасини ўчирмасдан соат тахминан 23.00 ларда фарзандлари билан ухлагани ётади. Жамшид тонгги 04.00 ларда тутун ҳидидан уйғониб, ётоқхонада ёнғин бўлаётганини кўради. У зудлик билан оила аъзоларини уйғотиб, барчасини кўчага бошлаб чиқади. Бу вақтда ёнғин кучайгандан кучайиб, уйининг том қисмига етиб боради. Ёнғиндан хабар топган қўшнилар шошилинч равишда ёнғин хавфсизлиги хизмати – 101 га телефон қилишди. Халоскорлар то бу манзилга етиб келгунча қўни-қўшни, бола-чақа, эр-как-аёл ёнғиннинг тезроқ бартараф этилишини истаб, юрак ҳовучлаб туришарди. Ҳайриятки, ўт ўчирувчилар кўп ўтмай етиб келдилар ва тилсиз ёвга зарба берилди. Қисқа дақиқанинг ичида иккита хонадоннинг тинчини бузган кўнгилсиз ҳодисага нуқта қўйилди. Жамшиднинг оиласи ёнғиндан каттагина зарар кўрса-да, қўшнисига етиши мумкин бўлган моддий зарарга йўл қўйилмади. Кўр-кўрона ҳолатда бу нохуш ҳолатнинг содир бўлишига шарт-шароит яратган Жамшид ўз оила аъзолари, қўни-қўшнилар олдида мулзам бўлиб ўтирарди. Афсуски, қадамни ўлчаб босмаслик, рўй бериши мумкин бўлган хавфни олдиндан кўра билмаслик туфайли бунга йўл қўйилди.



Ҳар бир фуқаро ўз яшайдиган манзилининг тинч ва осойишта бўлишини хоҳласа, электр токидан, сувдан, газдан фойдаланишдаги техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши керак. Уй қуришда, унга электр токи ва газ қувурларини ўтказишда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилишда газлаштириш идораси ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан бамаслаҳат иш тутилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

**Б. ЖЎРАЕВ,**
**Мирobod тумани ЁХБ 3-ХЁКО командири, майор.**

# ТАМАКИ ТУТУНИДАН КЎНГИЛСИЗЛИККАЧА

***Сирғали тумани, "Спутник" мавзесида яшовчи Ания ва Рафаэль турмуш қуриб, икки нафар фарзандли бўлдилар. Қўлида бирор касби бўлмаган эр-хотиннинг дуч келган иш билан шуғулланиб, топган пулига ароқ ва сигарета сотиб олиши, ичкилик ва кашандаликка берилиши яхши оқибатларга олиб келмади.***

Оилада ўсиб келаётган фарзандлар ота-онасининг ножоиз хатти-ҳаракатидан ҳадиксирайдиган бўлиб қолишди.

Фарзандларни тақдири Ания ва Рафаэлни заррача ҳам қизиқтираётгани йўқ. Кўл-оёғи бусбутун бу кимсалар ўз ҳамтовоқларини топиб олганига нима дейсиз? Ишсиз фуқаро Игорь ва Света кечки соат тахминан 18.00 да спиртли ичимлик билан Рафаэлникига келишади. Улфатчилик авжига чиқади, мастликда бақир-чақир қилган "дўст"лар воқеанинг давоми қандай кечишини хаёлларига ҳам келтирмаган бўлса керак. Эр-хотиннинг барчаси маст бўлиб, нима қилишаётганлигини ўзлари билмаган ҳолда шовқин қилиб қўшнилар тинчи ва ҳаловатини бузишади. Бу орада уйқуси бузилган қўшнилар қандайдир тутун ҳидини сезиб, Рафаэлнинг эшик тепасидаги бостирма ловиллаб ёнаётганлигига гувоҳ бўлдилар. Зудлик билан ёнғин хавфсизлиги идорасига қўнғироқ қилдилар. Ёнғин жойига етиб келган ўт ўчирувчилар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, Рафаэлнинг хонадонида тинчлик ўрнатдилар. Спиртли ичимлик ичиб, маст бўлиб қолган мезбон ва меҳмонларнинг аҳволини бир кўз олдингизга келтиринг. Улар на оловни, на тутунни сезишарди. Яхшиямки, олов бостирмада бошланган, бутун уйининг ёниб кулга айланишига йўл қўйилмади. Рафаэлнинг оила аъзолари ва дўстлари эҳтиётқорона ташқарига олиб чиқилиб, ҳаётлари сақлаб қолинди. Суриштирув вақтида Рафаэлнинг бостирмаси тагига сомон йиғилган бўлиб, хонадон эгалари ва меҳмонлар қуруқ сақланаётган бу хашакка маст ҳолатда ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ташлаганлар. Бостирмада содир бўлган ёнғинни қўшнилар ўз вақтида сезиб қолишмаганида, тилсиз ёв қўшни ҳовлиларга ўтиб, катта миқдорда талафот етказиши табиий бўлиб, энг ачинарлиси, фуқаролар турли даражадаги куйиш орқали оғир тан жароҳати олиб, ҳаттоки вафот этишлари ҳам мумкин эди. Савол туғиладики: Рафаэлнинг уйида ёнғин рўй бермаслиги мумкинмиди? Ҳа, албатта, бунинг учун фақат ҳушёр бўлиш, ўт-ословни келтириб чиқарадиган воситалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

**А. ҲУСАНОВ,**
**Мирobod ТИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.**

*Жараён*

# ЯНГИ МУАССАСАДА ЯНГИ ХИЗМАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

**Самарқанд шаҳридаги 8-оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.**




Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида Давлат дастурлари асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолига юқори сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳарнинг Сартепа масканида жойлашган мазкур тиббий муассаса ҳам Инвестиция дастури асосида янгидан бунёд этилди. Умумий қиймати 1 миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилган поликлиникада ҳар бир мутахассислик бўйича махсус хоналар ташкил этилди. Қарийб юз миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна ва мебеллар билан таъминланди.

– *Муассасамиз ҳудуддаги 44 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади,* – **дейди поликлиника бош шифокори Бахтиёр Мелиев.** – *Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда уларни профилактик кўрикка тўлиқ жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, замонавий бинодаги фаолиятимизни ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадида электрон хабарнома тизимини жорий этдик. Энди ҳамшира аҳолини уйма-уй кириб, тиббий кўрик ёки турли юқумли касалликларга қарши эмлаш бўйича хабардор қилмайди. Ҳududдаги барча хонадон соҳибларининг уяли алоқа телефон рақамлари жамланиб, бир вақтнинг ўзида муассасамиз операторлари томонидан уларга электрон хабарнома жўнатилади.*





Айни пайтда муассасада 31 нафар умумий амалиёт шифокори, 98 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Ҳудуддаги аҳолининг 11 минг 742 нафарини фертиль ёшдаги аёллар, 12 минг 884 нафарини 14 ёшгача бўлган бола ташкил этиши инобатга олинса, поликлиникада жорий қилинган электрон хабарнома иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

**Голиб ҲАСАНОВ.**
**Суратлар муаллифи Алишер ИСРОИЛОВ.**

*Ёшларимиз муваффақияти*

# ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон мустақиллиги йилларида энг кўп тилга олинаётган “Баркамол авлод – юрт келажаги” жумласи замирида жуда катта маъно яширин. Интеллектуал, руҳий-жисмоний жиҳатдан соғлом ривожланаётган авлод ўзига яратиб берилаётган барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган кучга айланиб бормоқда. Иқтидорли ва истеъдодли ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва беллашувлар уларнинг ўз тақдирини мамлакат манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда кўра олиши учун имкон яратмоқда. Айниқса, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ёшлар ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуман ва форумлар муҳим аҳамиятга эгадир.**

11-12 май кунлари Тошкент фармацевтика институти базасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 7 апрелдаги 123-сонли буйруғи 2-иловасига мувофиқ, кимё (умумкасбий) фанидан талабалар ўртасида республика фан олимпиадасининг якуний босқичи ўтказилиб, улар орасидан истеъдодли ва билимли ёшлар аниқланди. Амалдаги низомга мувофиқ, республика фан олимпиадаси иштирокчиларининг билим даражаси биринчи турда тест, иккинчи ва учинчи турларда эсса ёзма иш ва ниҳоят, сўнгги турда лаборатория иши орқали синаб кўрилди. Ўз билим даражасини оширишда давом этаётган талаба-ёшларнинг кимё фани бўйича кўрсатган натижаси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва турли вилоятлардаги олий ўқув юртларидан саралаб олинган профессор-ўқитувчиларни ҳам хайратга солди.

– Олимпиада ўз олдига илмий тадқиқот қилиш мақсадини қўйган ёшлар учун муҳим синов бўлиши мумкин. Албатта, ўз тенгкурлари орасидан саралаб олинган ёшларнинг бири иккинчисидан устун эканлиги синов натижаларида яққол кўзга ташланади. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг 4 та шарт бўйича тўплаган натижаларини низомда белгиланган балл тизими бўйича кўриб чиқиб, якуний хулосага келдилар. Энг муҳими, кимё фани олимпиадасини ўтказишдан мақсад ғолибни аниқлаш эмас, балки илмий изланишга мойиллиги юқори бўлган ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдир, – **дейди кимё фанлари доценти Ҳ. Тўхтаев.**

Бўлғуси фармацевтлар беллашуви ғолибларини эълон қилиш дақиқалари етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг холис хулосасига кўра, биринчи ўрин Тошкент фармацевтика институти талабаси Зуфар Бобоевга, иккинчи ўрин Тошкент кимё-технология институти талабаси Жасурбек Ҳазратқуловга, учинчи ўрин эса Самарқанд қишлоқ хўжалик институти талабаси Элбек Кулмуродовга насиб этди.

– Олимпиада мен учун ўз билим даражамни тарозида ўлчаб кўриш имкониятини берди. Илмий салоҳияти турлича бўлган тенгкурларим орасида энг юқори натижани қайд қилишим менга аъло кайфият бағишласа-да, билим даражамни янада оширишим кераклигини ҳис қилдим, – **дейди факультетнинг биринчи ўрин соҳиби Зуфар Бобоев.** – Аслида, бу ютуққа эришишимда менга 46-халқаро Менделеев олимпиадасида ғолиб чиқиб, имтиёзли равишда Тошкент фармацевтика институти талабалигига қабул қилинишим ҳам муҳим аҳамият касб этди.



Институтимизда менга устозлик қилган Ўзбекистон фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор С. Аминов, катта илмий ходим, изланувчи А. Шарипов ва бошқа устозларнинг бу муваффақиятни қўлга киритишимда ҳиссалари жуда катта, – дейди олимпиада ғолиби Зуфар Бобоев.

Олимпиада ниҳоясига етди, кимё фани асосларини пухта эгаллаган ёшлар аниқланди. Аммо кимё илмини янада чуқур эгалламоқчи бўлган йигит-қизларнинг изланиш жараёни давом этади.

**Нилуфар ҚЎЛДОШЕВА,**
**Тошкент фармацевтика институти талабаси.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6635 нусха.
Буюртма Г-558.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 00.00. 1 2 3 4 5 6